

АЗИЗОВ ШУХРАТ ШОДИЕВИЧ

**ТУПРОҚНИ ИШЛАШДА РЕСУРСТЕЖОВЧИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАКРОРИЙ СОЯ
НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азизов Шухрат Шодиевич

Тупрокни ишлашда ресурс тежовчи технологияларнинг кузги буғдой ва такрорий соя навларининг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсири (Тошкент вилояти мисолида)..... 3

Азизов Шухрат Шодиевич

Влияние ресурсосберегающих почвообрабатывающих технологии на рост, развитие, урожайность сортов озимой пшеницы и сои повторного посева (на примере Ташкентской области) 29

Azizov Shuhrat Shodievich

Influence of resource-saving tillage technologies on the growth, development, productivity of winter wheat and soybean varieties of re-sowing (intheexampleofTashkentregion)..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
Listof published works..... 59

АЗИЗОВ ШУХРАТ ШОДИЕВИЧ

**ТУПРОҚНИ ИШЛАШДА РЕСУРСТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР-
НИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ВА ТАҚРОРИЙ СОЯ НАВЛАРИНИНГ
ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.4.PhD/Qx326 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «ZiyoNet» ахборат таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Нурбеков Азиз Исраилович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Аликулов Сафар Менгликулович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Аманов Ойбек Анварович,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти
илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги Dsc.05/28.2020.Qx.13.03 рақамли илмий кенгашнинг « 29 » декабр 2020 йил соат 17⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60. e-mail: tgau_info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (542124-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети, Ахборот-ресурс маркази биноси, Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2020 йил « 18 » декабр кунини тарқатилди.
(2020 йил « 3 » декабр даги « 6/4 » рақамли реестр баённомаси).



Х.Ч.Буриев **Х.Ч.Буриев**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

З.А.Абдикаюмов **З.А.Абдикаюмов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.ф.д., доцент

И.Т.Нормуратов **И.Т.Нормуратов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва тупроққа минимал ишлов бериш орқали мавжуд ресурсларни тежаш, экин майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда дунёда дон, хусусан буғдой дони етиштириш йилдан йилга ортиб бормоқда. 2017 йилда ялпи буғдой етиштириш дунё бўйича 749 млн. тоннага етказилган бўлса, 2018 йилда 760,4 млн. тоннани ташкил этган ва бир йилда 11,4 млн. тоннага ошганлиги кузатилган. Биргина, 2018 йилда 2658,1 млн. тонна донли экинлар ҳосили етиштирилган бўлиб, шундан 28,6 фоизи буғдой дони ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, соя ишлаб чиқариш 2018 йилда гектарига 2,6 тоннага етказилган ва ялпи ҳосил 121 млн. тоннани ташкил қилган¹.

Дунё қишлоқ хўжалигида сўнгги йилларда дон ҳосили етиштиришда янги инновацион технологияларни тадбиқ қилиш орқали тупроқ унумдорлигини ошириш, мавжуд биоиклим ресурсларидан самарали фойдаланиш, бир йилда икки ёки уч марта ҳосил етиштириш йўналишида илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон яратилмоқда. Бинобарин, бошоқли дон экинлари билан атмосфера азотини туганак бактериялар ёрдамида ўзлаштирадиган дуккакли дон экинларини уйғунлашган ҳолда навбатлаштириб экиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада кузги буғдой ҳосили йиғиштирилгандан кейин 90-120 кун экинларни етиштиришга имкон берадиган, совуқ бўлмайдиган давр ҳисобланади. Кузги буғдой ҳосилидан бўшаган майдонларга сув таъминоти, ижобий ёки фаол ҳарорат йиғиндиси, экинлар навларининг ўсув даври, уларнинг ҳосилини шаклланиш хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда етиштириш технологиясини такомиллаштириш асосида юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш муҳим вазифалар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, ресурстежовчи агротехнологияларини кўллаш» чора-тадбирлари алоҳида белгилаб берилган². Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилояти суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой ва такрорий соя экини етиштиришда ресурстежовчи технологияларни ишлаб чиқиш, илмий асослаш, амалиётга жорий этиш бўйича илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони, 2017 йилнинг 14 мартда «2017-2021 йилларда

¹ <http://www.fao.org/home/ru/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги « Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги ПФ-5853-сон Фармони

республикада сояни экишни ташкил этиш ва соя донини етиштиришни кўпайтириш тўғрисида чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2832-сон қарори ва 2017 йил 1 июнда «2017 йилда бошоқли дон экинларидан бўшайдиган майдонларга такрорий экинларни жойлаштириш, экиш учун талаб этиладиган моддий-техника ресурсларини ўз муддатида етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги буғдойнинг куз даврида ўсиши, ривожланиши, қишлаб чиқиши, тур, нав, экиш муддатлари, об-ҳаво, ўғитлаш, суғориш, ўтмишдошларга боғлиқлиги Ф.М.Пруцков, И.П.Осипов, Н.Халилов, А.Нурбеков, П.Х.Бобомирзаев, В.Гостюхин, Х.Х.Келдиёрова, Б.Азизов, Т.Жалолов, А.Мансуровлар томонидан ўрганилган. Тупроққа асосий ишлов бериш кузги буғдой етиштириш технологиясидаги энг муҳим тадбирлардан бири эканлиги Г.А.Лавронов, Н.Г.Малюга, Р.Назаров, Ф.Хасанова, Ҳ.Н.Атабаевалар томонидан ўрганилган ва асосий ишлов бериш тупроқнинг физик, физик-кимёвий, кимёвий, сув физик, биологик хоссаларини, сув, иссиқлик, озика тартибини яхшилаши, тупроқда микроорганизмларининг фаолиятини кучайишига кўмаклашиши, органик моддаларнинг чиришини тезлаштириб, ўсимликнинг ривожланиши учун қулай шароит ҳосил қилишини исботлашган.

Тупроққа ишлов бермасдан экинларни етиштиришнинг (ресурстежовчи технологияларнинг) анъанавий технологияларга нисбатан афзаллиги Т.Фридрих, А.Кассам, Ж.А.Каскарбаевларнинг илмий ишларида исботланган. Экинларни етиштиришда ресурстежовчи технологияларни қўллашда тупроққа ишлов беришда меҳнат ва энергия сарфи анъанавий ишлов бериш билан таққосланганда 70 фоизгача камайиши, маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортиши, тупроқнинг донаторлиги ошиши, сувни ушлаб қолиш хусусияти яхшиланиши аниқланган.

Лекин, тупроққа ишлов бермасдан, кузги буғдойни асосий ва сояни анғиз экини сифатида уйғунлаштириб етиштиришда янги ресурстежовчи технологияни қўллаш самарадорлиги Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ўрганилмаган, такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари бажарилмаган.

Атмосфера азотини туганак бактериялар билан симбиоз фаолияти натижасида ўзлаштирадиган қимматбаҳо экин сояни такрорий экин сифатида етиштириш технологияси айрим элементлари самарадорлигини ўрганиш бўйича республикамизда Д.Ёрматова, Х.Н.Атабоева, А.Нурбеков, Г.Тангилова, Н.Умарова, Н.Халиловалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида ҚХА-9-138-2015 «Соя навларининг ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига экиш усуллари, туп сони ва кам захарли ривожланишни тезлаштирадиган препаратлар меъёрининг таъсирини ўрганиш ва мақбуллари аниқлаш» (2015-2017 йй.) ва А-3-065 «Республикамиз фермер хўжаликларида пахта-буғдой, буғдой (арпа)-чорва озуқа экинлари, буғдой-сабзавот (картошка) ва полиз экинлари алмашлаб экиш тизимларида ҳамда интенсив боғ ва тоқзорлар қаторлар орасига янги сув-энергия-ресурстежамкор технологияларни ва уларни амалга оширадиган техника воситаларини яратиб ва жорий қилиб йилига 1,5-2,0 маротаба юқори, арзон, сифатли ҳосил етиштириб, фермерликни ривожлантириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойни асосий ва сояни такрорий экин сифатида етиштиришда ресурстежовчи технологияни қўллашнинг самарадорлигини тупроққа анъанавий ишлов бериш билан қиёслаш, экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида асосий экин кузги буғдой уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг қишлаб чиқиши, яшовчанлиги, ўсиши, ривожланиши, фазалараро даврлар, вегетация даври давомийлиги, ҳосил структураси ва ҳосилдорлигини ресурстежамкор тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўрганиш;

кузги буғдой дон сифати кўрсаткичлари 1000 дона дон вазни, натураси, шишасимонлиги, дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдорида ресурстежовчи технологиялар ва тупроққа анъанавий ишлов бериш усуллариининг таъсирини қиёсий таҳлил қилиш;

такрорий экилган сояни уруғларининг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг яшовчанлиги, ўсиши, ривожланиш фазалари, ўсув даври давомийлиги ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини аниқлаш;

сояни илдизлардаги туганаклар сони, 1000 дона уруғ вазни, 1 та ўсимликдаги дуккаклар, дон сони, вазни ва ҳосилдорлигига ресурстежовчи технологияларнинг таъсирини ўрганиш;

тупроққа анъанавий ва ишлов бермасдан кузги буғдой ва такрорий соя экини етиштиришнинг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш ҳамда мақбул тупроққа ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари, кузги юмшоқ буғдойнинг «Бригада» ва «Ғозғон» навлари, соянинг «Селекта-302» ва «Орзу» навлари, суғориладиган типик бўз тупроқлар, «Венсе Тудо-9400» экиш сеялкаси, тупроққа ишлов бермасдан ва анъанавий ишлов бериш усуллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кузги буғдойни тупроққа ишлов бермасдан, анъанавий ишлов бериш усуллари, кузги буғдой ва соя экини уруғларнинг дала унувчанлиги, ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилнинг структураси, ҳосилнинг шаклланиши, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Таҷрибаларда ўсимликнинг фенологик кузатувлари, дала ва лаборатория таҳлиллари «Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги», биометрик таҳлиллар «Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услуги», тупроқ ва ўсимлик намуналарининг таҳлили «Методы агрохимических анализов почв и растений в Средней Азии», тупроқдаги гумус миқдори Тюрин усулида, ГОСТ 26213-91, фосфорнинг мобил бирикмалари ва алмашинадиган калий Мачигин усули, ГОСТ 26205-91 асосида, маълумотларнинг статистик таҳлили (ANOVA) барча вариантлар учун, қимматли-хўжалик белги хусусиятлари, шу жумладан, ҳосилдорликни таҳлили бўйича бажарилди. Барча статистик таҳлиллар Genstat18-нашри (Genstat-2017) услублари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида буғдойнинг янги «Бригада» ва «Ғозғон» навларининг тупроқни ишлашда ресурстежамкор технологияларни мақбуллаштириш орқали юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротехнологияларнинг элементлари ишлаб чиқилган;

янги «Бригада» ва «Ғозғон» буғдой навларини етиштиришда уларнинг биологик хусусиятларига мос, ёқилғи, сув ресурсларидан, маъдан ўғитлардан самарали фойдаланишга имкон берадиган ресурстежовчи технологияларнинг таъсири аниқланган;

такрорий экин соянинг «Селекта-302» ва «Орзу» навларини биологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда тупроққа ишлов бериш усулларини қиёсий ўрганиш натижасида энг юқори ҳосил олишни таъминлайдиган ресурстежамкор етиштириш технологияси ишлаб чиқилган;

тупроққа анъанавий ва ишлов бермасдан (ресурстежовчи) кузги буғдой ва такрорий соя экини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тошкент вилояти тупроқ-иқлим шароитида суғориладиган ерларда буғдой янги навларини етиштиришда ресурстежамкор тупроқни ишлаш усулларини қўллаш орқали кузги буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган, уларнинг биологик хусусиятларига мос, ёқилғи, сув ва бошқа ресурсларни тежашга имкон берадиган ресурстежовчи технология ишлаб чиқилган;

тупроқни ишлашнинг ресурстежовчи технологияси, ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш ва тупроққа ишлов бермасдан экилганда буғдой янги навларининг ўсиши, ривожланиши мақбуллашиб, ўсимликларнинг қишлаб чиқиш салмоғи юқори бўлиши,

маҳсулдор поялар сони, ётиб қолишга чидамлилиги ортган;

буғдой янги навлари донининг биокимёвий таркиби яхшиланиб, оқсил ва клейковина миқдори ортган, шишасимонлик сифати яхшиланлиги аниқланган;

такрорий экин сифатида соя навларини етиштиришда ресурстежамкор тупроқни ишлаш усуллари қўлланилганда мақбул тупроқни ишлаш усуллари отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш ва тупроқга ишлов бермасдан экиш афзаллиги аниқланган ва ўсимликнинг ривожланиш фазалари, ўсув даври давомийлиги, ҳосил структураси, ҳосилдорлиги таҳлил қилинган;

янги кузги буғдой навлари учун мақбул тупроқни ишлашнинг ресурстежовчи технологияси-ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш ва тупроқга ишлов бермасдан экиш ҳамда такрорий соя навлари учун тупроқни отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш ва тупроқга ишлов бермасдан экиш усуллари амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги лаборатория ва дала тажрибалари кенг тарқалган, апробациядан ўтган тадқиқот услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларга математик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб баҳоланганлиги ва изланишлар натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқотлар натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикадаги асосий озиқ-овқат экин кузги буғдой ва соя навларини етиштиришни модернизациялаш жараёнида кузги буғдойнинг «Ғозғон» ва «Бригада» навларидан юқори ва сифатли дон етиштиришда ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш ҳамда тупроқга ишлов бермасдан экишнинг ресурстежовчи технологияси қўлланилганда, кузги буғдой, такрорий экин соя уруғларининг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплашига таъсири илмий-амалий жиҳатдан асосланиши, шунингдек экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти кузги буғдой ва такрорий экин соя етиштиришни ресурстежовчи технологиянинг жорий қилинишида майдон бирлигида ҳаражатлар камайиши ҳамда иқтисодий самарадорлик барқарор қўтарилиши, кузги буғдойдан бўшаган майдонларга тупроқни ишлашнинг турли ресурстежовчи технологияларини қўллаган ҳолда мақбул тупроқни ишлаш усули кузги буғдойнинг «Ғозғон» ва «Бригада» навларидан юқори ва сифатли дон етиштириш, ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан

25см чуқурликда ҳайдаб экиш ва тупроққа ишлов бермасдан сояни «Орзу» ва «Селекта-302» навлари такрорий экин сифатида экиш, тупроққа отвалсиз плуг билан 25 см чуқурликда ҳайдаб ва тупроққа ишлов бермасдан экилганда харажатларнинг камайиши, сифатли дон ҳосили етиштирилиши, фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Типик бўз тупроқлар шароитида асосий экин кузги буғдой ва сояни такрорий экин сифатида етиштиришда ресурстежовчи технологияни қўллашнинг самарадорлигини тупроққа анъанавий ишлов бериш билан қиёслаш, экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатига таъсири ўрганилган.

кузги буғдойнинг «Бригада» ва «Ғозғон» навларини етиштиришда ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш технологияси Тошкент вилояти, Пискент туманида 75,2 гектар ва Бўка туманида 78,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02/021-3816-1 сонли маълумотномаси). Натижада кузги буғдойнинг «Ғозғон» навидан гектаридан 52,4-65,4 центнер ва «Бригада» навидан 46,8-57,1 центнер дон ҳосили олинган ҳамда рентабеллик даражаси 30-47 % ни ташкил этган;

кузги буғдойнинг «Бригада» ва «Ғозғон» навларини етиштиришда ресурстежамкор тупроққа ишлов бериш технологиялари Тошкент вилояти, Оққўрғон туманида 120 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02/021-3816-1 сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1000 дона дон вази 41,4 ва 41,3 г, донинг натураси 746-720 г/л, доннинг шишасимонлиги 75,8-80,1%, дондаги оксил миқдори 14,3-14,6%, клейковина миқдори мос ҳолда 29,5-30,6% га ошиши имкони яратилган;

тупроққа ишлов бермасдан такрорий муддатларда соянинг «Селекта-302» ва «Орзу» навларини етиштириш технологияси Тошкент вилояти, Янгийўл туманида 140 гектар ва Юқоричирчиқ туманида 83,5 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 16 ноябрдаги 02/021-3816-1 сонли маълумотномаси). Натижада соя дони ҳосилдорлиги оддий усулга нисбатан «Селекта-302» ва «Орзу» навларидан гектарига 2,7 центнер ёки 17,4 фоизни юқори бўлиб, рентабеллик даражаси 86,3-108,8 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва Тошкент давлат аграр университетининг махсус комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён этилган, университетнинг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг илмий натижалари халқаро ва республика ва илмий-амалий конференцияларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 та республика конференциясида, 2 та халқаро конференциясида ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, ресурстежамкор технологияларнинг аҳамияти ва улардан фойдаланиш ҳақида батафсил маълумот баён этилган. Диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги, олинган натижаларининг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробацияда ижобий баҳоланганлиги ва илмий мақолалар чоп этилганлиги диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Кузги буғдой ва такрорий экинлар етиштиришда тупроқни ишлаш усуллари ва ресурстежовчи технологияларнинг қўлланилишини таҳлили»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва илмий манбалари шарҳланган. Кузги буғдой ва такрорий экин сифатида экиладиган дон дуккакли экинларни етиштиришда ресурстежовчи технологияларни қўллаш, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари юзасидан илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар тавсифланган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиладиган шароитлар, тадқиқот объекти ва қўлланиладиган услублар»** деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг табиий тупроқ ва иқлим шароитлари, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **«Тажрибада қўлланилган услублар»** бўлимида тадқиқот объектлари, ишлаб чиқилган диссертация мавзуси юзасидан ҳар бири алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала ва лаборатория тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажрибада ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини аниқлаш мақсадида ўтказилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдойни ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва дон сифатининг тупроқни ишлаш усулларига боғлиқлиги»** деб номланган учинчи бобида уруғларнинг дала унувчанлигини тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларига боғлиқлиги

илмий асосда баҳоланган. Хусусан, ушбу бобнинг «Кузги буғдойнинг қишга чидамлиги ва яшовчанлиги» деб номланган бўлимида тупроқни ишлаш усуллари кузги буғдойнинг қишга чидамлиги ва яшовчанлигига таъсири ва уларнинг ўзаро фарқланиши ўрганилган.

Тажрибаларда уруғларнинг энг кам дала унувчанлиги назорат ғўза қатор ораларини культивация қилиб экишда кузатилган ва 1м² майдонга экилган 500 дона уруғнинг 432,5 донаси ёки 86,5% униб чиққан (1-расм).



1-расм. Уруғларнинг дала унувчанлигини тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларига боғлиқлиги, (2017-2019 йй.).

Тажрибаларда «Ғозғон» навида назорат вариантыда 1м² майдонда ўсимликлар сони кузда 432,5 дона, қишлоvdан чиққандан кейин 392,3 дона ёки куздагига нисбатан ўсимликлар сони 90,2% гача камайганлиги қайд этилган. Тадқиқот вариантларида энг яхши қишлаб чиққан ўсимликлар ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25 см чуқурликда ҳайдаб экилганда кузатилди ва 1м² майдонда ўсимликлар сони 411,5 донани, кузда экилганга нисбатан 6,3% камайганлиги қайд этилган. Тупроққа ишлов бермасдан экилганда 1м² майдондаги ўсимликлар сони кузда 436,1 дона, баҳорда 403,8 донани ёки қишлоvdаврида 32,3 донага (2,5%) назоратга нисбатан камайганлиги кузатилган.

Кузги буғдойнинг «Бригада» навида барча вариантларда 1м² майдонда ўсимликлар сони «Ғозғон» навида нисбатан оз бўлсада кўп эканлиги ҳамда энг мақбул тупроқни ишлаш усули ғўзапояни корчёвка қилиб+отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экилганда кузда 442,3 дона, баҳорда 416,4 донани ташкил қилиб, қишлоvdаврида назоратга нисбатан ўсимликлар сони 5,5% камайганлиги аниқланган. Тупроққа ишлов берилмасдан экилган кузги буғдой назорат вариантыга нисбатан 5,5% га юқори эканлиги тажрибаларда аниқланган (1-жадвал).

**Тупроқни ишлаш усулларини кузги буғдойнинг қишга чидамлиги
ва яшовчанлигига таъсири, (2017-2019 йй.).**

Тупроқни ишлаш усуллари	1м ² да ўсимликлар сони кузда, дона	1м ² да қишловдан чиққан ўсимликлар сони,		1м ² да ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар	
		дона	%	дона	%
Ғозғон нави					
1. Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	432,5	392,3	90,2	232,3	53,7
2. Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	435,6	397,3	91,2	235,1	54,0
3. Ғўзапояни корчёвка қилиб +чизеллаб экиш	437,6	405,6	92,7	236,7	53,4
4. Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш.	439,1	411,5	93,7	240,1	54,6
5. Тупроққа ишлов бермасдан экиш.	436,1	403,8	92,6	239,5	54,9
Бригада нави					
1. Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	434,7	385,6	87,0	218,6	50,3
2. Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	436,8	397,2	90,9	223,8	51,2
3. Ғўзапояни корчёвка қилиб +чизеллаб экиш	439,6	406,5	92,5	221,3	50,3
4. Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш.	442,3	416,4	94,1	229,5	51,9
5. Тупроққа ишлов бермасдан экиш.	438,3	408,1	93,1	226,1	51,6

Тадқиқотларда 1м² майдонда ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар сони тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Хусусан, «Ғозғон» навида тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда 1м² да ҳосилни йиғиштиришгача сақланган ўсимликлар сони 232,3 дан 229,5 донагача, фоиз ҳисобида 53,4 дан 54,9 фоизгача, «Бригада» навида 218,6 дан 229,5 донагача мувофиқ ҳолда 50,3 дан 51,9 гача ўзгарганлиги аниқланган.

Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ғўзапояси олиниб экилганда кузги буғдой ҳосилдорлиги ғўза қатор ораларига экилган кузги буғдой ҳосилдорлигига нисбатан тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда «Ғозғон» ва «Бригада» навларида мувофиқ ҳолда 5,8 дан 11,2 ва 6,0 дан 7,6 ц/га гача кўп ҳосил олинишини кўрсатган.

Тупроққа ишлов берилмасдан экилган вариантларда кузги буғдой ҳосилдорлиги бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлмасда, тупроқни ишлашга сарфланадиган харажатларни кам бўлиши ҳисобига самарадорлик кўрсаткичлари анча юқори бўлиши кузатилган (2-жадвал).

**Тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларининг кузги буғдой
ҳосилдорлигига таъсири, ц/га, (2017-2019й.).**

Тупроқни ишлаш усуллари	Йиллар				Қўшимча ҳосил			
	2016 й	2017 й	2018 й	ўртача	навдан		тупроқни шлашусули дан	
					ц/га	%	ц/га	%
Ғозғон нави								
1.Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	54,2	58,0	50,4	54,2	-	-	-	-
2.Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	56,4	63,4	60,2	60,0	-	-	5,8	13,1
3.Ғўзапояни корчёвка қилиб+чизеллаб экиш	51,3	54,1	52,0	52,4	-	-	-1,8	-4,1
4.Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда хайдаб экиш.	63,0	68,2	65,1	65,4	-	-	11,2	20,1
5.Тупроққа ишловбермасданэкиш.	58,9	65,8	62,8	62,5	-	-	8,3	18,8
Бригада нави								
1.Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	46,3	52,9	59,4	49,5	-4,7	-8,6	-	-
2.Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	52,7	58,8	55,0	55,5	-7,6	-7,5	6	15,2
3.Ғўзапояни корчёвка қилиб +чизеллаб экиш	47,6	54,1	48,8	46,8	-5,6	-10,7	-2,7	-6,8
4.Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда хайдаб экиш.	54,3	60,1	56,7	57,1	-8,3	-12,7	7,6	19,2
5.Тупроққа ишловбермасданэкиш.	54,6	59,0	54,8	56,1	-6,4	-10,4	6,6	16,7
ЭҚФ₀₅	4,12							
Ўзгарувчанлик коэффициенти, %	5,2							
Таъриба хатоси	2,94							

Шунингдек, дон таркибидаги оксилнинг миқдори тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариб бориши аниқланган.

«Ғозғон» навида дони таркибидаги оксил миқдори тупроқни ишлаш усуллари га боғлиқ ҳолда 13,6 дан 14,3% гача, «Бригада» навида 13,9 дан 14,6% ўзгарганлиги қайд этилган.

Қуйидаги 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Бригада» нави донида оксилнинг миқдори «Ғозғон» нави га нисбатан вариантлар кесимида анча баланд бўлди. Бунга сабаб, биринчидан «Бригада» нави хусусияти бўлса, иккинчидан «Бригада» навида ҳосилнинг камлиги, яъни бунда азотнинг «Ғозғон» нави га нисбатан суюлмаслиги натижасида шундай фарқ юзага келган деб изоҳлашимиз мумкин.

Тадқиқот натижаларини кўрсатишича, дондаги клейковина миқдори тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларига боғлиқ ҳолда «Ғозғон» навида 26,4 дан 29,5% гача ўзгариши «Бригада» навида 28,3 дан 30,6% гача ўзгарганлиги аниқланган.

3-жадвал

Тупроқни ишлаш усуллари кузги буғдой навлари дони таркибидаги оксил ва клейковина миқдорига таъсири, (2017-2019 йй.).

Тупроқни ишлаш усуллари	Оксил, %	1 га. дан оксил чикими, ц/га	Клейковина, %
Ғозғон нави			
1.Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	13,6	6,1	26,4
2.Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	13,8	6,9	27,6
3.Ғўзапояни корчёвка қилиб +чизеллаб экиш	13,9	7,3	26,8
4.Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш.	14,3	7,7	29,5
5.Тупроққа ишловбермасданэкиш.	14,1	7,6	27,9
Бригада нави			
1.Ғўза қатор ораларини культивация қилиб экиш(st).	13,9	5,5	28,3
2.Ғўзапояни корчёвка қилиб экиш.	14,1	6,5	28,8
3.Ғўзапояни корчёвка қилиб +чизеллаб экиш	14,4	6,5	29,1
4.Ғўзапояни корчёвка қилиб+ отвалсиз плуг билан 25см чуқурликда ҳайдаб экиш.	14,6	6,9	30,6
5.Тупроққа ишловбермасданэкиш.	14,5	6,2	29,1

Диссертациянинг «Кузги буғдой ҳосилдан бўшаган анғизга экилган такрорий соя навлари ҳосилдорлигига тупроқни ишлаш усуллари таъсири» деб номланган тўртинчи бобида тупроққа ишлов беришнинг турли усуллари соя навларининг уруғларини дала унувчанлиги, соя навлари фазалараро ривожланиш даврлари ва ўсув даврининг давомийлиги, илдизларда туганаклар сони, вазни ва ўсимлик биометрик кўрсаткичларининг динамикаси, соя навлари ҳосил таркиби, навларга боғлиқ ҳолда соя ҳосилдорлигига таъсирини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотларда, ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгача сақланиши ёки яшовчанлик кўрсаткичи нав хусусиятлари ва тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда сезиларли даражада ўзгарган. Жумладан, «Орзу» навида тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўсимликларнинг ҳосилни йиғиштиришгунча сақланиши 1 м² да 36,8 дан 40,5 донагача, «Селекта-302» навида 37,4 дан 42,1 донагача ўзгариши аниқланган. Шунингдек, 1 м² да ҳосилни йиғиштиришгунча сақланган ўсимликлар сони мос равишда фоизга ҳисобланганда, «Орзу» ва «Селекта-302» навларида 83,6 дан 87,7 ва 84,1 дан 90,3% гача ўзгарган.

Соё навлари фазалараро ривожланиш даврлари ва ўсув даврининг давомийлиги, такрорий экилган соё навларининг тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда ўзгарган. Соё уруғлари 20 июн куни суғорилган тупроқда етарли нам бўлган тупроқларга тажриба схемаси асосида экилди. Уруғларни экиш-униб чиқиш даври «Орзу» навида 6,0 дан 6,4 кунгача давом этди. Бунда «Орзу» ва «Селекта-302» навлари ўртасида ҳамда тупроқни ишлаш усуллари бўйича сезиларли фарқлар кузатилмаган.

Униб чиқиш-чин баргларнинг ҳосил бўлиши фазалараро даврида ҳам ўрганилган вариантлар ҳамда навлар ўртасида сезиларли фарқлар юзага келмаган. «Орзу» нави бўйича тупроқни ишлаш усуллари бўйича униб чиқиш-чин баргларнинг ҳосил бўлиши фазалараро даври давомийлиги «Орзу» ва «Селекта-302» навларида 7,1 дан 7,4 кунгача давом этди, навлар ўртасида сезиларли фарқлар кузатилмаган.


Ўсимликларда ғунчалаш-гуллаш даврининг давомийлиги «Орзу» навида тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда 17,5 дан 20,8 кунгача ўзгарган. Культивация қилиб экишга нисбатан тупроққа ишлов берилмасдан экилганда ғунчалаш-гуллаш даврининг давомийлиги ўртача 3,3 кунга узайди, қолган вариантларда бу даврнинг узунлиги тупроқни отвалсиз плуг билан 25 см чуқурликда ҳайдаб экишганда давомли бўлди ва назоратга нисбатан фазалараро давр 1,6 кунга узайган. Шундай қонуният «Селекта-302» навида ҳам кузатилган, аммо барча тупроқни ишлаш бўйича вариантларда бу фазалараро давр «Орзу» навида нисбатан 1-3 кун давомлироқ эканлиги аниқланган.

Соё экинида гуллаш-дуккакларнинг ҳосил бўлиши энг давомийлиги узун фазалараро даврлардан бири ҳисобланади. Бу давр «Орзу» навида тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда 41,4 дан 45,6 гача, «Селекта-302» навида 43,6 дан 47,9 кунгача ўзгарган. Энг давомли фазалараро давр тупроққа ишлов берилмаганда ҳар иккала навда кузатилган. «Селекта-302» навининг амал даври асосий экин сифатида экилгандагига нисбатан такрорий экинда 13-15 кунга қисқариши аниқланган.

Такрорий экилган соёнинг амал даври нав хусусиятлари ва тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда «Орзу» навида 95,5 дан 103,1 кунгача, «Селекта-302» навида 98,6 дан 105,8 кунгача ўзгариши ва «Селекта-302» навининг амал даври «Орзу» навиникига нисбатан 2-3 кун узун эканлиги аниқланди. «Селекта-302» навининг амал даври асосий экин сифатида экилганга нисбатан такрорий экинда 13-15 кунга қисқариши қайд этилган. Россия Федерациясининг Краснодар ўлкасида «Селекта-302» нави ўсув даври 120 кун бўлиши таъкидланган, Ўзбекистон шароитида бу нав ҳароратнинг ва куюш инсоляциясининг юқорилиги, такрорий экин сифатида экилиши, ёруғлик кунларининг қисқариб бориши натижасида унинг амал даври сезиларли даражада қисқарган.

«Нитрофикс П» инокулянти билан ишлаб экилган уруғлардан ҳосил бўлган майсалар илдизларида уруғлар униб чиққандан 16-17 кун ўтгандан кейин асосий ва ён илдизларда 2 дан 5 донагача туганаклар ҳосил бўлган. Вақтнинг ўтиши билан туганаклар сони ва уларнинг вазни ошиб бориши

кузатилган (2-расм).



2-расм. Соя навлари илдиэларида туганаклар сони динамикасига тупроқни ишлаш усуллари таъсири, ўртача 1 донга ўсимликда, (2017-2019йй.).

Соянинг ҳосилдорлиги тупроқни ишлаш усулларига боғлиқ ҳолда «Орзу» навида 15,6 дан 23,4 ц/га га, «Селекта-302» навида 16,4 дан 25,9 ц/га ўзгарди. «Орзу» нави ҳосилдорлиги тупроқ культивация қилиб экилганда 17,4 ц/га, тупроқ отвалсиз плуг билан 25 см чуқурликда ҳайдаб экилганда 23,4 ц/га ёки назоратга нисбатан ҳосилдорлик 6,0 ц/га ёки (34,5%) га ошганлиги аниқланди. Соя уруғлари тупроққа ишлов бермасдан экилганда назорат вариантыга нисбатан ҳосилдорлик 3,0 ц/га ёки 17,2% га ошганлиги аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал

Тупроқни ишлаш усуллари ва нав хусусиятларининг соя ҳосилдорлигига таъсири, (2017-2019 йй.).

Тупроқни ишлаш усуллари	Йиллар			Ўртача	Қўшимча ҳосил			
	2016	2017	2018		тупроқни ишлашдан		наздан	
					ц/га	%	ц/га	%
Орзу нави								
1. Культивация қилиб экиш(st).	16,1	17,7	18,5	17,4	-	-	-	-
2. Чизеллаб экиш	15,2	14,6	17,0	15,6	-1,8	-10,3	-	-
3. 25см чуқурликда ҳайдаб экиш	22,8	23,3	24,2	23,4	6,0	34,5	-	-
4. Ишлов бермасдан экиш.	19,3	20,6	21,4	20,4	3,0	17,2	-	-
Селекта-302 нави								
1. Культивация қилиб экиш(st).	18,1	20,6	22,8	20,5	-	-	3,1	17,8
2. Чизеллаб экиш	16,1	15,9	17,3	16,4	-4,1	-20,0	2,6	16,7
3. 25см чуқурликда ҳайдаб экиш	24,1	26,4	27,1	25,9	5,4	26,3	2,5	12,4
4. Ишлов бермасдан экиш.	22,1	23,9	25,7	23,9	3,4	17,1	3,5	17,2

«Селекта-302» нави ҳосилдорлиги барча ўрганилган вариантларда «Орзу» навига нисбатан юқори эканлиги аниқланган. Назорат вариантыда тупроқ культивация қилиб экилганда ҳосилдорлик 20,5 ц/га ни, энг яхши вариант ҳисобланган тупроқ отвалсиз плуг билан 25 см чуқурликда ҳайдаб экилганда 25,9 ц/га ни ёки 26,3% ни ташкил этган.

Тупроққа ишлов берилмасдан экилганда «Селекта-302» навида ҳосилдорлик 23,9 ц/га ни ёки назоратга нисбатан 3,4 ц/га (17,1%) юқори ҳосил берганлиги кузатилган. Нав ҳисобидан энг кам қўшимча ҳосил 2,5 ц/га ёки 12,4% бўлиши қайд этилган.

